

# Ishonch

2019 йил 2 ноябрь • шанба • № 133 (4262)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШХТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Мухаммадқалий Абилязов, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Беларус Республикаси Бош вазири Сергей Румас, Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этиш учун келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцянни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутиб олди, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамлашиб бораётганини катта мамнуният билан таъкидлади.

Ли Кэцян, ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда икки давлат раҳбарларининг самарали музокарали конструктив сиёсий мулоқотни кенгайтириш ва барча соҳаларда кўп қиррали амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани алоҳида таъкидланди.

Олий даражада эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни сўзсиз амалга ошириш, икки томонлама савдонинг жадал ўсишини таъминлаш, шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ахборот-телекоммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларда устувор лойиҳаларни биргаликда илгари суриш зарурлиги қайд этилди.

Маданий-гуманитар йўналишда, аввало, фан, таълим, инновациялар ва туризм йўналишларидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда ШХТ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, иқтисодий, инвестициялар ва транспорт коммуникациялари соҳаларида ташкилотга аъзо барча давлатлар учун манфаатли бўлган йирик лойиҳаларни амалга ошириш долзарб экани таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Хитой мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида кўп қиррали шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев билан учрашувда кўп асрлик дўстлик, ўзаро ишонч, ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш анъаналарига асосланган Ўзбекистон – Россия муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Дмитрий Медведев самимий қабул ҳамда мамлакатларимизнинг кўп қиррали муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратаётган эътибори учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди, Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда таъкидланганидек, аввало, олий даражада йўлга қўйилган фаол муносабатлар ва конструктив мулоқот икки томонлама ҳамкорликни мисли кўрилмаган даражага кўтариш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилиб келмоқда.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва кооперацион алоқалар изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Нефть-газ, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Худудлараро ва маданий-гуманитар алмашувлар, жумладан, фан, таълим ва туризм соҳасидаги шериклик кенгаймоқда.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонларнинг БМТ, ШХТ, МДҲ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиши таъкидлаб ўтилди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирларга тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш борасидаги ўзаро интилиш қатъий экани таъкидланди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин билан учрашувда қардош мамлакатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган ва ишончга асосланган учрашувлари ҳамда уларнинг натижасида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини, стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилди.



## Аёллар учун тиббий марказ


Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида «AYOL CARE» номли замонавий тиббиёт маркази иш бошлади.

Марказ аёллар хасталигига ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда мураккаб операциялар ўтказишга ихтисослаштирилган. Яъни, мақсад – репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлашдан иборат. Бунинг учун марказда турли тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда хотин-қизлар соғлиғини тўлиқ баҳолаш имконияти мавжуд.

Тиббий муассаса Германия, Франция, Жанубий Корея мамлакатларида ишлаб чиқарилган тиббий техника ва ускуналар билан жиҳозланган. Марказдаги жарроҳлик хоналари ва тиббий асбоб-ускуналар халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Жарроҳлик операциялари онлайн режимда телемедицинага ускунаси орқали амалга оширилади. Марказ масофавий услубда хорижий давлатлар, жумладан, Россия, Исроил, Жанубий Корея, Германиядан мутахассислар жалб этган ҳолда мамлакатимиз бўйича консултациялар ва маҳорат дарслари ташкил этади. Аёлларни репродуктив соғломлаштириш соҳасида илмий-услубий марказ сифатида иш юритади.

Яна бир аҳамиятли томони шундаки, мазкур тиббиёт маскани ижтимоий муҳтож ва оғир шароитдаги аёлларни бепул кўриқдан ўтказишга, консултациялар беришга ҳар доим шай. Шу каби ўзига хосликлари билан у айна вақтда Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

ЎЗА



## Ҳассамизни яна йўқотмайлик...

Давлатимиз раҳбарининг «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганнинг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нутқи ва тилимизнинг нуфусини оширишга оид фармони барча мизни беҳад қувонтириб, тўлқинлантириб юборди.

Юрtdошларимизнинг дилидаги орзумидларини ифодаловчи қарорда таъкидланганидек, «дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақиллик тим-

соли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида фоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир».

3»

## КҲН НАФАСИ

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Ҳуқуқий ахборот» канали  
«Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидега иқтисодий талаба-ёшларни рағбатлантириш мақсадида Бердақ номидаги Давлат тизимидеги таъсис этилади.

Миллий гвардия ходимига бўйсунмаслик ва бунга оммавий даъват қилганлик учун жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Андижонда мамлакатимиздаги иккинчи идорасини очди. У асосан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлайди.

«Вақф» хайрия жамоат фонди диний таълимга ихтисослашган билим юрtdларида тақсима олаётган 36 нафар талабанинг шартнома пулларини тўлаб берди.

«Вақф» хайрия жамоат фонди матбуот хизмати  
Юрtdимизда илк бор «RFID» технологиялари асосидаги автоматлаштирилган намунавий кутубхона очилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети матбуот хизмати  
Сирдарё вилоятида Энергетика вазирлиги ва Халқаро молия корпорацияси вакиллари билан Марказий Осиёдаги энг йирик электр станцияси бўлиши кутилётган янги иссиқлик электр станциясини (ИЭС) куриш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида кўчмас мулкка солиқ солишни такомиллаштириш концепциясига мувофиқ нотураж жой мулкига солиқ солиш бўйича синов лойиҳаси амалга оширилди.

Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати

## БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ

O'zbekiston jurnalistlari guruhi

## Метрополитен номи: ким муносиб?

Тўлқин ЭШБЕК

...Раҳматли Шароф Рашидов номига муносиб бекат исталганча топилди. Масалан, энг гавжум «Пахтакор» ёки адиллар хиёбонининг олтин остонаси бўлган – «Миллий боғ» каби бекатлар номи ШАРОФ РАШИДОВ номи билан аташ тарафдориман. Юнус Бўроновнинг таклифи ҳам яхши. Бироқ, ундан кўра бекатларда бир неча бор «Кейинги бекат – Шароф Рашидов» деб жаранглаб туриши янада яхшироқмикин, деган фикрдаман. Азизлар, катта ишга шомасдан, авваламбор бу борада кўпчилиكنинг фикрини ўрганиб, таклифларни умумлаштириб берсак, яхши бўларди.

Ботиржон ЭРГАШЕВ

Метро бекатларидан бирига Шароф Рашидов номи берилишига ҚАРШИМАН! Ие, дейишга шошилман!  
Ўзбекистонда метро деган жуда катта иншоотнинг барпо бўлишида жонбозлик кўрсатган, Масковнинг рад жавобига жим бўлиб кетмай, қайта-қайта ташаббус кўрсатиб, охири мақсадига етган Шароф ота номи бекатга эмас, Тошкент метрополитенига беришни таклиф этман.  
ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ бўлса, адолатдан бўлади!

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

41 Асқар Мамин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбаев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилгани, ўзаро савдо ҳажми ортиб, инвестиция, банк-молия, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда ўлаётган Қозоғистон йили доирасида ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашди.

Икки томонлама ҳамкорлик, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатта оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Қирғизистон Республикаси Бош вазири Мухаммадқали Абилгазиев билан учрашувда олий даражадаги мунтазам мулоқот икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш ва уни амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Мухаммадқали Абилгазиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбековнинг саломини ва эзгу тилақларини етказди ҳамда самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий, sanoat, транспорт, агросаноат, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги шериклик, шунингдек, чегараолди ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода билан мулоқотда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан стратегик шериклик даражасига кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Қоҳир Расулзода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга ҳар доимгидек самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, маданий-гуманитар соҳалар ва бошқа устувор йўналишларда эришилган олий даражадаги келишувларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Чегарадош ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлисига кузатувчи давлат вакили сифатида ташриф буюрган Беларусь Республикаси Бош вазири Сергей Румасни ҳам қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонини самимий қутлар экан, сўнгги йилларда олий даражада ўзаро ишончга асосланган мулоқот йўлга қўйилгани туфайли Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини принципиал жиҳатдан янги даражага кўтарилганини таъкидлади.

Сергей Румас Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва иқтисодийнинг турли тармоқларида истиқболли кооперация лойиҳаларини илгари суришдан, шунингдек, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни мустақамлашдан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Жорий йил август ойида Беларусга амалга оширилган олий даражадаги расмий ташриф якунида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни кенг қўлама амалга ошириш муҳим экани таъкидланди.

ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукуматлар раҳбарлари кенгаши мажлисида меҳмон сифатида иштирок этаётган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов билан учрашувда олий даражада очиқ ҳамда ишончга асосланган мулоқот йўлга қўйилгани ва бу Ўзбекистон – Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янги даражага кўтаргани катта мамнуният билан қайд этилди.

Рашид Мередов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб ҳамда Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш муҳим экани таъкидланди. Шунингдек, минтақавий аҳамиятга молик масалалар, жумладан, келгусида икки ва кўп томонлама форматда ўтаётган олий даражадаги тадбирларни инobatта олган ҳолда кўриб чиқилди.

ЎЗА

Тошкент шаҳри



**Пойтахтимизнинг Сирғали туманида жойлашган «Asl oyna» корхонаси бундан ўн йил бурун фойдаланишга топширилган. Бугунги кунда бу ерда 600 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.**

2017 йилда инвестиция дастури доирасида европалик тадбиркорлар билан ҳамкорликда кунига 120 тонна қувватга эга иккинчи шиша эритиш печи ишга туширилди. Бу эса завод қувватини 70 фоизга ошириш имконини берди. Ҳозир пайтда корхонанинг ялпи қуввати кунига 250 тоннадан ортиқ бўлиб, йилига 200 миллионга яқин тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирда завод «Heye International» (Германия), «Bottero» (Италия), «Stara Glass» (Италия) каби бир қатор етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг юқори технологик ускуналарига эга.

Компаниянинг илғор компаниялар билан тажриба алмашиш, технологик жараёнда инновацияларни ишлаш ва амалга ошириш каби омилларга мунтазам эътибор қаратаётгани ютуқлар гарови ҳисобланади.

Корхонада Марказий Осиёда ягона шиша эритиш печаси ўрнатилган бўлиб,

юқори фойдали иш коэффициентига эга, энергия ресурсларини истеъмол қилиш жиҳатидан анча тежамкор ва бошқа турдаги печларга қараганда экологик тоза. Автоматлаштириш тизими хомашёни тўлдириш ва шиша эритишдан тортиб, тайёр маҳсулотни етказиш ва қадоқлашга бўлган барча жараёнларни назорат қилиш им-

конини беради ва текшириш машиналари унинг физик параметрларига мослигини мувофиқлаштиради.

300 тадан ортиқ шакл ва турдаги қолип тўпламлари шиша идишларнинг 350 тадан ортиқ комбинацияларини ишлаб чиқариш имконини беради. Эътиборлиси, бу сифат йирик хорижий истеъмолчилар ва мустақил Европа лабораториялари аудитларининг ижобий хулосалари билан тасдиқланган.

Шиша идишлар ишлаб чиқаришда фақат маҳаллий хомашёлардан фойдаланилганлиги муваффақиятлар омили бўлмоқда десак, асло муболага эмас. Қолаверса, кварц куми, доломит, оҳақтош, калциацияланган сода каби хомашё компонентлари юртимизда мавжуд бўлиб, асосий таркибий қисмлар – «Жерой» (Навий вилояти), «Майский» конлари (Тошкент ви-

лояти)дан кварц куми, Кўнғирот сода завоидан кальциацияланган сода олмоқда. Корхона Ўзбекистонда юқори сифатли кварц куми ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида етакчи ўринга эга.

Кези келганда корхонанинг барқарор экспортчи сифтида ишонч қозонган

ни ҳам таъкидлаш ўринли. «Эфес Қазахстан» ЯТТ АЖ, «UzCarlsberg» МЧЖ, «Inter-Rohat» ҚҚ каби кўплаб йирик хорижий ва маҳаллий компаниялар билан муваффақиятли ҳамкорлик амалга оширилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Айни пайтда корхона нуфузли «Coca-Cola Bottlers Uzbekistan Ltd.» ҚҚ ва «International Beverages Tashkent» (PepsiCo Bottler in Uzbekistan) МЧЖ ҚҚ учун ҳам ваколатли шиша идишлар етказиб бермоқда. Йил сайин компания маҳсулотлари экспорти жуғрофияси кенгайиб бормоқда. Яқин вақтга фақат Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистонга экспорт амалга оширилган бўлса, жорий йилдан Грузия, Арманистон, Украина ва Қирғизистон бозорларига ҳам кириб борилмоқда. Келажакда корхона маҳсулотларини Россия ва Европа мамлакатларига ҳам етказиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Муҳими, корхона эришилган ютуқлар билан чеклиниб қолмай, янги гоғалар ва уфқларни забт этиш арафасида турибди. Яқин келажакда бир қатор йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

**Хусусан, умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан юқори бўлган замонавий технологик ускуналарни жорий этиш орқали йилига 600 миллион дона шиша идишлар ишлаб чиқариш кўзланмоқда.**

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,  
«ISHONCH»

# Ютуқлар кўп, режалар ҳам



Сирдарё вилояти

Эзгу ташаббус

Фарғона вилояти

Ҳудудлардан хабарлар

**Бошланғич синфларга дарс бераман. 30 нафар ўқувчимнинг феъл-атвори ва интилиши ўзига хос. Шу боис дарсларда уларга турлича ёндашишга ҳаракат қиламан.**



## Ўқувчиларга стипендия

Мақтабимиз «Бўстон» маҳалласида жойлашган бўлиб, яқинда шу маҳаллада яшовчи Эгамқул бобо Юсупов таълим масканимизга ажойиб бир таклиф билан келди. Бобо ўқувчиларнинг қизиқишини оширишга оз бўлса-да ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида кичик стипендия жорий этишни ният қилибди. Бу таклифни мактабимиз раҳбари Шавкат Усаров бажонидил қўллаб-қувватлади.

Эгамқул бобо болалар билан дилдан суҳбатлашди, ўз ҳаётий хулосаларини болаларга самимийлик билан гапириб берди. Устозларнинг тавсиясига асосан, 1-«А» синф ўқувчиси Шаҳноза Мирсаидова ва 1-«Б» синф ўқувчиси Садоқат Жониқуловага 50 минг сўмдан пул муқофотини топширди.

Нафақадаги фахрий педагог Ойсара Ғафорова ҳам худди шу кунни икки жамланма тўпладан иборат болалар ёзувчиларининг асарларини биринчи синф ўқувчилари синф кутубхонаси учун тақдим этди.

Ота-оналарга ҳам ушбу рағбат болажонларимизнинг аъло ўқиши, яхши ва намунали хулқи учун берилганини тушунтирдик. Эгамқул бобо эса ўқувчилар ва устозларнинг хурсандчилигини кўриб, болалардек севинганини яшириб ўтирмади ҳам ва ҳар ой ана шундай энг яхши ўқувчиларга ўзининг кичик стипендиясини бериб боришини маълум қилди.

Дилноза УМАРОВА,  
Сардоба туманидаги  
15-мактаб бошланғич синф  
ўқитувчиси

## Янги бино – Эл хизматида

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида Қўқон шаҳрида кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга ошириляпти. Юқумли касалликлар шифохонаси учун бунёд этилган янги бино шўлар жўмласидан.

Яқинда барпо этилган шифохонада бемор ва шифокорларга барча зарур шароитлар яратилган. Мурोजат қилганлар қабулхонада навбат кутиб қолмаслиги учун алоҳида бўлим, ҳаво томчи касалликлари, вирусли гепатит ва ичак хасталикларига чалинган беморлар учун ихтисослашган қабулхоналар ташкил қилинган. Муассасада оғир ҳолатдаги беморларни муолажа хонала-

ригача элиб кўйиши учун ҳам етарлича шароит яратилган. Шифохона раҳбари Азизжон Эргашевнинг айтишича, юқумли касалликларни даволашда энг асосий тамойил – бу «бир эшикдан кириб, иккинчи эшикдан чиқиб кетиш, яъни орқага қайтмаслик»дир.

Ҳар бир хонада беморлар ва ходимлар учун қўл ювиш, ювиниш хоналари мавжуд. Беморлар касаллик даражасига қараб

маҳсус ҳамда умумий хоналарга жойлаштирилади. Оғир беморлар учун 4 та алоҳида маҳсус хона ажратилган.

Шифохонада 15 ўринли хўжалик ҳисобидидаги реабилитация биноси ҳам ишга туширилди. Бу ерда нафақат фарғоналиклар, балки хорижий фуқаролар, яқин кўшни давлатлардан келган беморларга ҳам сифатли тиббий хизмат кўрсатилади.

## Тезюар поезд

### Олтиариқда ҳам тўхтайтиди

2016 йилда ишга туширилган электрлаштирилган «Ангрен-Поп» темир йўли Фарғона водийси вилоятларига поездда юк ва йўловчи ташиш имкониятини тобора кенгайтирмоқда.

Шундан ташқари, Ангрен, Поп, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги бекатларда тўхтаб ўтар эди. Энди-

ликда бекатлар сони яна биттага кўпаядиган бўлди. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротова «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқарувчиси номига депутатлик сўрови билан чиқиб, мазкур поездни темир йўлнинг Олтиариқ бекатида ҳам тўхтаб ўтиш таклифини билдирди. Фидойи депутатнинг сўрови «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти мутахас-

сислари томонидан ўрганилиб, 2019-2020 йиллар учун янги поездлар ҳаракати жадвали тузилаётгани ҳамда жорий йилнинг 8 декабридан эътиборан фойдаланиш режалаштирилаётгани маълум қилинди.

Бу кулайлик олтиариқликларнинг узоғини яқин, оғирини энгил қилиш билан бирга, туманда туризм салоҳиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,  
«ISHONCH»

Навий вилояти

**«Навий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятида 895 нафар касабаяушма аъзоси меҳнат қилмоқда.**

Уларнинг меҳнат муносабатлари бора-бора ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигига қатъий амал қилинишини таъминлаш, ишчи-ҳодимларни меҳнатига яраша тақдирлаш, моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, турли тадбирларни ташкил этиш касабаяушма кўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Шу йилда кам таъминланган ва бахтсиз ҳодисалар туфайли боқувчисини

йўқотган оилаларга байрамлар арафасида 4 миллион 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари беминнат тўхфа этилди. Бундан ташқари, корхонада узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қи-

зовор жойларига саёҳатга бориб келган бўлса, мустақиллик байрами олдида 47 нафар вақилимиз Қашқадарё вилоятига саёҳат қилишди. 52 нафар ишчимиз касабаяушма кўмитаси маблағи ҳисобидан

## Жамоа манфаати рўёби

либ, кексалик нафақасига чиққан собиқ ишчи-ҳодимларга соғлиқларини тиклаш учун 14 миллион 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Наврўз байрами муносабати билан корхонада хизмат қилаётган эллик нафар ходим Хоразм вилоятининг диққатга са-

мамакатимиздаги турли санаторийларда дам олиб келган бўлса, яна икки нафар вақилимизга Ялта шаҳридаги «Ўзбекистон» санаторийсида дам олиш учун имтиёзли йўлланма берилди. 45 нафар бола сўлим «Ишонч» ёзи болалар дам олиш оромгоҳида ҳордиқ чиқаришди.

Фаолиятга назар

Жисмоний тарбия ва спортнинг шахмат-шашка, волейбол, мини-футбол, арқон тортиш, югуриш каби саккизта тури бўйича корхона ва унинг туманларда жойлашган куйи тизимлари кизматчилари ўртасида кизик қизқарли мусобақалар ўтказиш ҳам анъанага айланган. Қувонарлиси шуки, жорий йилнинг биринчи чорағида корхонамизнинг аҳил жамоаси учун замонавий мини-футбол майдончаси куриб битказилди. Бу эса жамоа аъзоларига жуда манзур бўлди.

Шавкат ТУРСУНОВ,  
«Навий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ касабаяушма кўмитаси раиси

Мезон

ият тушунчаси қонунларни маълумотлардан хабарна иборат эмас. Қонунларга уларга бўйсуниб энг муҳимлиб, айнан шу нуқтаи назарда, қадимги юнон фаласуфиги ички дунёси, кайфияти, ҳужий изтироб ва фазилатлақиди «этика» атамасини

Барлик Булияти

бар жамиятимизда амалга оширишотлар ва беқиёс ўзгаришлар давомиллаштириш зарурати вужудга келиши. Ҳар қандай ҳолатда, кунда халқ шаънини устувор ҳисобда қадр-қимматини ҳурмат қилиши, риоя этиш билан бирга ҳолисшарт.

да одоб-ахлоқнинг муайян танлиш буйича ихтиёрлар тарзда қабул этилатар жамиятимизда умумэтилар устуворлигини тан олган ҳолда, ни таъминлашга ёрдам беради. нақллантириш лозим. Бу, ўз навбатарлини юксак инсоний фазилатларга одоб-ахлоқ қоидаларига таянган сафолатлади.

амол инсон ҳақидаги ғоялар, таъбиий-сиёсий-фалсафий фикр-муҳа пайдо бўлган эмас. У ўзининг имий илдиэларига эга.

комил инсон ҳақида бутун бир мажмуасини, замонавий тилда таърифлайдиган бўлса, шарқона шлаб чиққан.

из Абу Наср Форобийнинг «Фозил асариди келтирилганидек, жамиятосиси мансаби, тутган ўрни, яъни эъти назар, маънавиятли, маъриши керак. Зотан, фозил инсон ўз н-қоидаларини яхши билади, унга а мос фикрлайди, лозим бўлганда идо қилади.

конституциявий ҳуқуқларини ўз вазибаларини бажаришда салқўймалик раҳбарликнинг асосий о, юксак маънавий-ахлоқий фазият ва давлат олдида ўз масъулия-давлатнинг ички ва ташқи сиёсаган, ватанпарвар, халқпарвар, таиркор, замонавий билимлар билан юксак инсоний фазилатларга эга сувват, иймони бутун, виждони уйдиятни олдинга бошловчи етакчи ён бўлсагина, кўзланган мақсадлар шини асло унутмаслик лозим.

Санақул РАЗЗОҚОВ, Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳуқуқшуноси

1

1989 йил 21 октябрда оғир шароитда, мустабид тузум, ҳукмрон мафкура замонида, очик ва пинҳоний қарама-қаршиликлар жараёнида қабул қилинган қонун икки йилча ўтиб эришилган истиклол йўлига тўшланган яшил пояндоэ эди гўё.

Шундай бой, жозибадор она тилимиз йиллар давомида сояда қолиб, имконияти торайиб, ғариб бир ҳолга келиб қолаётган эди. Кўплар бисотидаги тўрт юз-беш юз, мингга етар сўзни айлантириб юргани ҳам бор гап. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётимиз, экологиямиз, маънавиятимиз танг аҳволга келиб қолган кезларда тил муаммоси ҳам қалқиб чиқди.

«Тил тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, матбуотда эълон қилиниши эҳтиёжнинг заруратга айланиши натижаси эди. Ажабланарли жиҳати шунда эдики, лойиҳа рус тилида ёзилиб, ўзбек тилига хом-хатала ўтирилган, матн қулқунамо алфозда битилган эди. Устига-устига, икки тилга давлат тили мақоми берилса, деган таклиф билан чиқиб, ўз лойиҳасини тақдим этганлар ҳам бўлди.

Дарҳол норозиликлар билдирилгани, акс-садолар ёғилиб кетганининг боиси шунда. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбекча саломга ўзбекча алиқ бўлсин», Иброҳим Раҳимнинг «Тилимизни ҳаққа чуққанми?», бир қур ёш ижодкорларнинг «Давлат тили имтиёсиз бўладими?» сингарии тишли-тирноқли, ўткир мантиқли мақолаларда лойиҳалар ҳомлиги, яроқсизлиги далил-мисоллар билан кўрсатиб берилди. Уша кезларда қоп-қоп хатлар келган, одамлар дилида сақлаб келган фикр-мулоҳазалари, таклиф-истакларини очик, рўй-рост баён этишган. Жамоатчилик фикри инобатга олиниб, 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, ўша кун ҳар йили тил байрами сифатида нишонланиши белгиланди. Ўзга тилли биродарларимиз учун тилимизни ўрганишга шароит яратилса-да бунга киришганлар оз, киришмаганлар кўп бўлди.

Президентимиз қарори, нутқи, фармонида бутун эътибор она тилимиз тарихи, бугунги ҳолати, эртанги кунига қаратилди: Маҳмуд Қошғарий «Девону лугатит турк»ни, Юсуф хос Ҳожиб «Қувадғу билиг»ни, Ясавий «Ҳикматлар»ини, Алишер Навоий «Муҳокаматул луғатайн»ни, Бобур «Бобурнома»ни келгуси авлод-

ларни, туркий тиллар тақдирини ўйлаб қалам тебратгани, Бехбудий, Фитрат, Ибрат, Авлоний, Мунаввар қори каби маърифатпарварларимиз мактаблар очтигани, тиллар ҳақида куюнчақ мақолалар битишгани, Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Зулфия сингари ижодкорлар гўзал асарлар ёзишганини одатдагидан кўп эслайдиган бўлдик...

Ғете, Пушкин, Абай, Махтумқули, Бердак, Айний, Тагор, Айтматов ва бошқа сўз санъаткорлари шоҳ асарлари баробарида она тиллари тақдири, истикболи ҳақида қайғуриб, теран мақола, тадқиқотлар ёзишгани ҳам айни ҳақиқат.

Замондош олим, адиб, шоир-

лар лавҳаларига назар ташланг: нақшин ёзувлар, рекламалар кечалари порлаб туради, лекин сўз, иборалар асосан инглиз, рус тилларида, бир нечасигина ўзбекча. Почта бўлими (кичик ҳарфлар билан), дорихона, гилпон, Ойбек, Ғафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Зулфия сингари ижодкорлар гўзал асарлар ёзишганини одатдагидан кўп эслайдиган бўлдик...

Пойтахт тугул йирик шаҳарларимизда ҳам шу аҳвол. Баъзи мамлакатларда ўзга тилда бирор нарса сўрасангиз жавоб беришмайди. Абдулла Орипов давраларда бир воқеани гапириб берарди. Собиқ иттифоқ замонида Андрей Вознесенский билан Жа-



Сайди УМИРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филолог олим, публицист

Ахир, йўлақдан бир кунда минглаб одамлар ўтади, қанчаси тил ўрганишга талабгор. Кўп мамлакатлардагидек бизда ҳам халқаро тил – инглиз тилига қизиқиш кучли. Лекин бунда ҳам меъёр бўлмоғи керак. Бир тилни ўрганиш ўз тилига кам эътибор ҳисобига бўлмалиги зарур. Зеро, вақтида бир тилга сажда қилиш оқибатини кўрганмиз, ҳассамизни бошқа йўқотмайлик.

Мустақиллик, Наврўз байрамлари сингари Тил байрамини ҳам қойил қолғулик, меҳмонлар ҳавас қилғулик даражада ўтказишимизга шубҳа йўқ. Шу билан бирга, байрамларни нишонлашнинг энг яхши йўли етилган, ечимини қартаётган муаммоларга эътибор қаратмоқдир, деган ҳикматни ҳам унутмаганимиз маъқул. «Ўзбек тили байрами кунининг белгилангани, Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилаётгани, Атамалар комиссияси тузилаётгани тарихий воқеалик. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртада ўзбек тили мавзусида иншо-лар танловини ўтказиш ҳам айни мудао.

Келгусида ўқитувчилар, шифокорлар, катта-кичик раҳбарлар ўртасида ҳам шундай танловлар ўтказилиши зарур. Чунки иншо саводхонлик, савияни аниқлаб беришнинг самарали воситаси, ўзига хос лакмус қозғидир.

Сир эмаски, йиллар давомида октябрь ойида тилимизга дуруст эътибор қаратдик, мақолалар ёздик, экранда чиқишлар қилдик, учрашувлар ўтказдик, кейин ҳаракатларимиз сусайди, келгуси октябрда «худо пошшо», деган маънода хотиржамликка берилдик. Умид қиламизки, энди бундай бўлмайди, тил комиссияси мунтазам назорат қилиб, ҳисоботлар олиб, тадбирлар ўтказиб боради. Яна бир таклифим: миллий тилимизга оид барча мақола-лар, фикр-мулоҳазалар, мақол-маталлар, ҳикматли сўзлар, тадқиқотлардан парчалар жамланиб адади катта, салмоқли китоб қилиб чиқарилса, кўпчилик, айниқса, ўқитувчиларнинг доимий йўдоши, қўлдоши бўлса...

Ҳассамизни яна йўқотмайлик...

лар ижоди, яратилган луғат, қомуслар, шеърлар, китоб, таржималар кўпчиликка маълум. Кейинги вақтда пайдо бўлган илмий, бадиий, публицистик тадқиқотлар ичида П.Қодировнинг «Тил ва эл», Э.Воҳидовнинг «Сўз лафофати», Б.Тўйчибоев ва Қозоқбой Қашқирлининг «Зоминнинг тил қомуси», А.Аъзамнинг «Тил номуси», Э.Шукрунинг «Бобосўз изидан» китоблари, Ш.Сирожиддинов, Н.Маҳмудов, Б.Абдушукуров, И.Ғафуров, Э.Аъзам, А.Мелибоев, О.Мадаев, М.Кенжабек ҳамда А.Абдурахмонов каби ижодкорларнинг мақола-лари, телевидениедаги мавзуга оид долзарб кўрсатувлар алоҳида таъкидга лойиқ. Президентимиз қарори матни эълон қилиниши билан дарҳол тезкор муносабат бошланиб кетгани масаланинг қанчалик долзарб эканлигидан далолатдир.

Шу ўринда айтиш лозимки, пешхат, лавҳаларда миллий тилимизнинг мавқеини тиклашимиз керак, ҳозир аҳвол кўнгидагидай эмас. Мабодо, мўъжиза юз бериб, Амир Темури бобомиз тирилиб қолса-ю муҳташам биноларимиз, улкан қурилишларимизни кўриб қувонч, ифтихор ҳиссига тўлар, лекин пойтахтимиздаги ўз номига қўйилган кўча лавҳаларига кўзи тушиб, дили хуфтон бўлиши аниқ... Биргина «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси қаршисидаги кўчада жойлашган бино-

нубий Кореяга боришиб, ижодий учрашувлар ўтказишибди, шеърхонликлар бўлибди, қалам ҳақи олишгач, у-бу харид қилиш учун бозорга тушишибди. «Қошиқдай бир туфли кўзимга яхши кўриниб, рус тилида «кўрсатинг», деб илтимос қилдим. Хушғеъл сотувчи қиз бирдан ранги ўзгариб, ўз тилида дағал сўзлар айтиб, терс ўгирилиб олди. Ҳайрон қолдим. Нарироқдаги дўконда ишлаётган, русчани сал-пал билладиган сотувчига меҳмонлигимиз, қаерданлигимни айтган эдим, у келиб дугонасига тушунтирди. Қиз бирдан юзи ёришиб, узр сўраб, аввалгидай хушмуомала бўлиб қолди».

Майли, биз бағрикенг, кўнгли очик халқимиз, лекин пешхатлар энг аввал ўз миллий тилимизда битилсин-да!

Мамлакатимизда 130 га яқин миллат, халқ аҳил, ҳамжиҳат бўлиб яшайди, бир-бирлари билан ўз ва бошқа тилларда гапиришади, етти тилда газета нашр этилади, китоблар чиқарилади. Халқимизнинг тил, мусиқа ўрганишга алоҳида қобилияти борлигига фахрлансак арзийди, буни хорижликлар ҳам эътироф этишади. Ҳозир, юртимизда Бехбудий бобомиз орзу қилганидек, тўрт тилда гапирадиган, мақола, китоблар ёзадиган, диссертациялар ёқлайдиган, чет элларга бориб маърузалар ўқиб келадиганлар анчагина. Боғ-

чаларда инглиз, рус, француз, корейс, япон, хитой тилларида чиройли чулдирайдиган болакайларни кўриб, ҳавас қиламиз...

Ўзбек диалектологияси бўйича қатор тадқиқотлар ёзган, шоғирдлар етиштирган В.Решетов, ўзбекча-русча луғатлар тузган Гел Михайлов, Навоий ғазал ва рубоийларини моҳирона таржима қилган Сергей Ивановни чуқур ҳурмат қиламиз. Шоғирдимиз, арман қизи Ариват Григорян ҳар куни экранда соф ўзбек тилида турфа янгликлардан хабардор қилиб туради.

Юртимизда чет тилларни, айниқса, инглиз тилини ўрганишга қизиқиш йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Метронинг Амир Темури номидаги бекатидан Юнус Ражабий бекатига ўтиладиган узун йўлакнинг икки тарафига босдан охиригача ҳар беш қадамда (жами қирқ-эллик чоғи) бир хил рамкаларда «Инглиз тили. Уч ойда» деган ёзув ва телефон рақамлари порлаб туради. Ҳайрон қоласиз. Шу эълон уч жойда – боши, ўртаси, охирида бўлса, қолганларига «Немис, француз, испан, итальян, корейс, япон, хитой тилларини, борингки, баъзиларга, шунингдек, ўз тилини унутганларга ўзбек тилини ўргатаман, телефоним фалон» деган ёзув илinsa бўлмасмиди, ҳам тежогли-бежогли, ҳам керакли, фойдали эди.

Андижон вилояти



ир янги ғоя маҳсули сал майдончалар лабораторияларда ди. Унинг фойда-ю унча оммавий ра-маслигини ҳам яхши шахрида эса бунинг ирадиган, маҳаллий ашкитотлар бўйнига ган бетайин тажри-вилоят марказида, да синондан ўткази-киряпти десак, му-амада шаҳарнинг На-бўйлаб қатнов қис-ўйлақчасидан ажра-панжараларга, кур-дарахтларга рангли а ўхшатиб боғлаб-тирга ўч мутасад-шаббуси»ни ижти-даланувчилари «Ан-лабди-да», деб роса

Антиқа «ташаббус»

симлар қопланган йўл белгилари пайдо бўлди. Аввал Навоий ҳамда Бобур шоҳ кўчаларида, сўнгра Ўзбекистон кўчасида. Бу «ташаббус» мутахассислар ва тажрибали ҳайдовчиларда эътироз туғдиряпти, аниқроқ айтсак, машинани бошқариб бораётган одамнинг кўзини қамаштириб, чалғитиши, ҳаракатга халақит бериши таъкидланяпти.

Синчиклаб қараган одам белгиларни ёритиш учун уланган ток ўтказувчи симларнинг муҳофаза қобиғи йўқ, очик-сочик, пала-партиш тортилганига гувоҳ бўлади. Савол туғилади: кўчада ўйнаётган бола-бақра симларни билиб-билмай ушлаб олмаслигига, фалокат рўй бермаслигига қанчалик қўрқиниб қолган бўлади?

Харакат хавфсизлиги техник воситаларидан фойдаланиш ва эксплуатация қилишга масъул идора – вилоят махсус эксплуатация-монтаж бўлими мутахассислари Андижон шаҳри ҳамда туманлардаги ўзларига бириктирилган ҳудудларда айнан ушбу йўналишда хизмат кўрсатишади. Яъни белгиларни тартибга келтиришади, эскиларини алмаштиришади, бузилган светофорларни таъмирлашади. Ажабки, биз тилга олаётган янги белгиларни ўрнатиш билан мазкур ташкилот ходимлари эмас, маҳаллий тадбиркорлардан биз шугулланаётган экан.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 11 июль кунги тегишли қарори билан Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

таъсисчилигида «Ўзавтоўйлаб» давлат унитар корхонасига асос солинган. Корхонанинг асосий фаолияти – йўл белгилари ҳамда йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа техник воситаларни ишлаб чиқаришдан иборат. Қарорда масъул идораларга йўл белгиларини босқичма-босқич замонавий, юқори сифатли, нур қайтарувчи қопламали (!) белгиларга алмаштириш вазифаси юклатилган. Айни йўналишда барча ҳудудларда қизгин жараён давом этаётгани ҳам ҳақиқат.

Биласиз, йўл белгилари осмондан тушмайди – ҳар бири фалон пул туради. Йўллардаги ҳаракатни тартибга солувчи техник воситаларни янгилаш учун тегишли тартибда катта миқдорда маблағ ажратилади. Андижон шаҳрида

эса... кимларнингдир мана шу фаолиятни ҳам тадбиркорликка айлантириб, имкониятдан «унумли» фойдаланиб қолишига имкон яратиб берилма-яптимикин? Чунки мамлакат миқёсида йўл белгилари ишлаб чиқаришга масъул ягона ваколатли идора – «Ўзавтоўйлаб» ДУКнинг маҳсулотлари бир четга улқотрилиб, бу фаолият билан маҳаллий тадбиркорларнинг шугулланиши анчайин шубҳали...

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ушбу масалага қандай изоҳ беради? Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси-чи?

Нурилло НЎМОНОВ, «ISHONCH»



Аэродромный обогреватель салона воздушного судна установленной на передвижной автономной тележке.

Table with technical specifications for an aircraft cabin heater. Includes sections for 'Основные технические требования', 'Параметры контура', 'Параметры камеры сгорания', 'Рабочие характеристики', 'Спецификация шасси', and 'Безопасность'.

Бугуннинг гапи

Тақдимот


# Сўз эркинлиги: ҳуқуқми ё?..

Сўз эркинлиги ҳар бир нормал жамият учун сув ва ҳаводай зарур. Зеро, очик матбуот демократиянинг ажралмас қисмидир. Экспертларнинг фикрича, сўз эркинлиги халқчил давлат бошқаруви, кучли ва одил ҳуқуматни шакллантиришга хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, муаммолар ҳақида рўй-рост гапириш, уларни ҳал қилиш йўлида собит сиёсат юритиш самарасини биз ўтаётган кейинги уч йиллик ҳаёtimиз мисолида кўрдик. Аксинча, яқин ўтмишимизда фикр тутқунлиги жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини ҳам ҳис этдик. Шу маънода, журналист Карим Баҳриев «Сўз эркинлигини бўғадиган давлат ўз илдизига болта ураётган, ўзи ичадиган дарёни қуритаётган, амалдорларнинг қаллоблик ботқоғига ботишининг олдини оладиган ва хавфдан огоҳ этадиган жарангдор кўнғирогини парчалаётган, ўз миясини эл-улусдан келаётган ҳикматлардан маҳрум этаётган, демакки, ўзини фикрсизлик, турғунлик ўпқонига – таназзулга судраётган бўлади» деганида мутлақо ҳақ эди.

Сўзламаётган одам ўйлашдан ҳам тўхтайдди. Негаки, сўз тафаккур маҳсули. Дунёқараш қанчалик тор бўлса, нутқ ҳам, ижтимоий позиция ҳам шундай чучмал бўлади. Худди «тилла балиқча» (А. Орипов) янглиғ дунёни кўлмақдан иборат, деб ўйлайди киши. Бунга ҳаётий мисоллар кўп. «Биз ҳаммадан бахтлигимиз, биздаги имкониятлар дунёнинг бошқа давлатида йўқ», деган фикрлар шууримизни шу қадар эгаллаб олдики, ўз ёлгонимизга ўзимиз қовурилиб, ўзимиз маҳлиё бўлиб юравердик муайян муддат.

Бугун демократия ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Сўз эркинлиги жамият

**тараққиётини таъминловчи омиллардан бири сифатида номоев бўлмоқда. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривож йўлида чуқур таҳлилга, мустақкам асосга эга қатор илғор фикрлар илгари сурилмоқда. Бугун ижтимоий тармоқлар ҳам, матбуот ва телевидение ҳам эркин баён қилишга ҳаракат қилмоқда ва бунинг самараси сезилмоқда. Бироқ шу билан бирга, сўз эркинлигини қадрламаслик, уни суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқдаки, бу янгилаётган жамият юзидан хуснбузар каби ортиқчалик касб этмоқда.**



ровларга ҳеч нима хуш келмайди. Куёш чиқса, офтоб уришидан нолийди, баҳор келса, аллергияси кўзийди, қишқи совуқда тумов бўлади. Бундай пессемист кимсалар барча жамиятларда бор. Бироқ ҳамма нарсадан кир қидириш ҳам инсофдан эмас-ку?! Дейл Карнегининг китобида ўқигандим: қамоқхонадаги икки махбус дераза тирқишларидан ташқарига боқаркан, улардан бири осмон тўла юлдузларни кўрса, иккинчиси рўпарадаги ахлатхонани. Мавлоно Румий эса бунинг янада чиройлироқ тасвирайди: боғ хаёли боққа, дўкон хаёли дўконга олиб боради...

Ҳа, ҳар ким ўзи хоҳлаган, кўролган нарсани кўради ва шунга яраша насибасини олади...

Юқорида таъкидладик, сўз эркинлиги, бу — ҳуқуқ. Аммо бир нарсани ёдда тутиш кераки, ҳуқуқ бор жойда, албатта, бурч ва мажбурият ҳам бўлади.

Ижтимоий тармоқлар орқали ўзгаларни ҳақорат қилиш, бу — сўз эркинлиги эмас. Ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб, ёлгон-яшиқ ахборотлар тарқатишининг ҳам сўз эркинлигига мутлақо алоқаси йўқ.

Афсуски, бугун мана шундай ҳолатлар кўпроқ кўзга ташланмоқда. Сўз айтишда ҳолисликни унутиб қўйилмиш. Адоватта берилиб, адолатдан йироқлашяпмиз.

Сўз эркинлиги фикрни эркин ифода-лаш ва айтилган гап учун жавоб беришидир. Фақат, раҳбарлар эмас, балки ҳар бир инсон ўз айтган сўзга жавоб бера олиши керак. Ҳар ким хаёлига келган гапларни айтaversa, нима бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Халқимиз беркорга «ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деймайди.

XXI аср нафақат ахборот асри, балки ахборот уруши асри ҳамдир. Буни эсдан чиқармаслигимиз керак. Сўз эркинлиги инсоннинг бошқа ҳуқуқларини поймол қилиши, ижтимоий тармоқлар орқали йўланаётган турли қаҳриқлар этник урушларни келтириб чиқариши мумкин. Бугун ўз ахборотлари билан одамларни бошқаришга уринувчилар кўпаймоқда. Уларнинг қармоғига илинишдан эҳтиёт бўлайлик.

Эркин сўзимиз фақат эзгуликка хизмат қилсин!

Мухаббат ТҶАБОЕВА,  
«ISHONCH»



## Тарих ва маданият кўзгуси

Қардош туркман халқи азал-азалдан ўзбеклар билан яқин бўлган. Юртимизга келин бўлиб тушган туркман қизлари, биродар юртда яшаётган ўзбек опа-сингиллар – қавм-у қариндошларимиз оз эмас. Демак, туркман халқининг маданияти, урф-одатига эмас, бу юртда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар ҳам халқимиз учун доимо муҳим ва аҳамиятли.

Кейинги пайтларда қардош ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари янада юксалмоқда. Икки юрт ўртасида барча соҳаларда бўлгани каби маданий-гуманитар йўналишдаги алоқалар ҳам бутунлай янги босқичга чиқди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Туркманистон Президентини Гурбангули Бердимухамедов асарларида маданият ҳамда санъатнинг халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда биродарлик алоқаларини мустақкамлашдаги аҳамиятига бағишланган тадбирда шу хусусда сўз юритилди.

Анжуманда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов қаламига мансуб «Маданият – халқнинг бебаҳо жавоҳири», «Туркман маданияти», «Тинчлик мусиқаси, дўстлик ва биродарлик мусиқаси», «Бахши – халқ бахтининг даракчиси», «Туркман маданияти» китоблари мазмуни, уларда илгари сурилган ғоя ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Туркман халқи илдирилари неча-неча асрларга бориб тақаладиган ўзининг бой маданияти, қадрият ва анъаналари билан ҳақли равишда фахрланади. Туркманистон Президентининг туркман, инглиз ва рус тилларида нашр қилинган «Маданият – халқнинг бебаҳо жавоҳири» китоби билан

Зебо НОМЗОВА,  
«ISHONCH»



Ироқ ҲАСНОВ олинган суратлар.

Оммавийлик сари



## Ғолиблар кейинги босқичда

Ишчи-ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шугулланиши «COSCOM» МЧЖ корхонаси («Ucell» савдо белгиси) раҳбарияти ва корхона касабга уюшма қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу боис компанияда турли спорт тадбирлари тез-тез ўтказиб турилади. Бундай мусобақалар ходимларнинг нафақат соғлиги, балки ҳамкасбларнинг ўзаро мароқли дам олишига ҳам ғоят фойдали. Қуни кеча ўтказилган стол теннис бўйича мусобақа ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Мазкур мусобақада 40 нафарга яқин ходим ўз иқтисоди ва маҳоратини синаб кўрди.

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент шаҳар филиалининг спорт мажмуасидаги беллашувда технологиялар департаментининг муҳандиси Комила Шамсутдинова, моддий бойликларни харид қилиш департаментининг эксперти Нодирхон Алаутдинов ва технологиялар департаментининг гуруҳ раҳбари Вячеслав Цой ғолибликни кўлга киритди.

Энди улар келгуси ойда Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналарининг стол теннисчилари ўртасида ўтказиладиган шаҳар биринчилигида қатнашади.

Раъно МАҲКАМОВА,  
«ISHONCH»

## Ўзи майда – кони фойда

Чилонжийда ва саритол жуда фойдали ўсимликлар ҳисобланади. Зеро, уларни экишни ўзи кифоя. Эътиборли жиҳати шундаки, улар кесиб олинганидан кейин ҳам илдизидан кўкариб чиқаверади.

Чилонжийда ер, иқлим танламайди. Исталган жойда бемалол ўсаверади. Айрим вилоятларда уни «Унаби» ҳам деб аташади. Сувсизликка ўта чидамли. Попук илдизли бўлгани учун осонликча қуримайди, минг йилгача яшайди. Ер сатҳидан ўн минг метр балангликда ҳам ўсаверади. Салқин ўлкаларда кўп ҳосил беради. Меваси давлоловчи хусусиятга эга. Иссиқ ўлкаларда, эрта баҳор ва гулдан қайтгандан кейин 2-3 марта дориланса, ҳосилини сақлаб қолиш мумкин. У секин ўсади. Шунинг учун ёғоч қаттиқ. Одатда, тез ўсган дарахтнинг ёғоч мўрт бўлади. Уни ҳўлигида ҳам, қуригандан кейин ҳам қурт емайди. Шунинг учун у қурилишбоп дарахт ҳисобланади.

Қишлоқ жойларда томорқаларга қамида 2-3 та чилонжийда экиш керак. У нари борса ўн-ўн беш йилда қутилган натижани бера бошлайди. Ассан, тикка ўсгани учун тева-атрофига кўп-да соя солмайди, яъни бошқа экинларга зарар етказмайди. Илдизлари қаттиқ ушлаб тургани учун сувсизлик ва довулга ўта чидамли. Бир тарафга эгилиш нари турсин, ҳатто қилт ҳам этмайди.



Чилонжийда илдизи ернинг бир, бир ярим метрлик устки қатламида узоқ масофага тарқайди. Юз метр наридан кўкарган чилонжийдан илдизи яна ўсишини ҳисобга олсак, анча узоқ масофани ташкил этади. Бунинг учун асо-

олиниб, юмшоқ ерга қадалади, сув қуйилади. Бир йил давомида ҳафтада бир марта сув бериб турилади. Саритолни шахмат усулида, оралиғи 1,5-2 метр квадрат шаклида эккан маъқул.

Йил бошида экилган чилонжийда ва саритол кўчатлари йилнинг охири, яъни қиш чилласида ердан 10-15 сантиметр қолдириб кесилиб, тут қаламчалари ёки ўзалопа билан ихоталаб қўйилади. Баҳорда саритолдан 10-15 та, чилонжийдан 2-3 та

сый танани қиш чилласида (25 декабрь - 5 февраль) тагидан 15-20 сантиметр қолдириб кесиш шарт, акс ҳолда, илдизларидан кўкариб чиқиш кечикади. Бундан ташқари, чилонжийда қаламчасидан, ёввойилари эса уруғидан ҳам кўпаяди.

Саритол эса фақат қаламчасидан кўпаяди. Саритол қора толдан фарқли ўлароқ танасининг ранги сарғиш бўлади. Баҳорда гуллайди, гулининг ранги сарик.

Ҳар икки дарахтнинг қаламчаси эрта баҳорда 30-35 сантиметр қилиб кесиб

чилласида бутуқланади. Бир неча йилдан кейин саритолни биринчи бор кесгач, 2-3 та новда қолдирса бўлди. Чунки илдизи анча бақувват бўлиб, новдаларни бемалол ўстира олади. Чилонжийда эса битта, нари борса иккита новда қолдирган маъқул, чунки у попук илдизи бўлгани учун кучининг бир қисми илдизлардан 10-15 метр наридан кўкариб чиққан ниҳолларга ҳам бўлинади. Дарвоқе, чилонжийда, саритол қурилиш учун фақат қиш чилласи бошларида кесилади, арчилмайди. Кесилгач, ўз ҳолича то август-сентябрь ойларига эрта горизонтал ҳолда қуриши керак, кейин пўсти арчилиб, ишлатилади. Агар баҳор ёки ёзда кесилса, кун иссиқлиги учун ёрилиши мумкин. Ҳар иккала дарахт қиш чилласида кесилгандан кейин 2-3 йил оқар сувда сақланса, ёғочнинг қаттиқлиги янада ошади.

Одатда, саритолдан уй-рўзгор буюмлари ва бешик тайёрланади. Агар ҳар бир қишлоқ хонадонига биттадан чилонжийда ва ўнтадан саритол экилса, ўн-ўн икки йилдан кейин неча-неча миллион сўмлик маҳсулот олиш, келажакда эса ўз эҳтиёжимиздан ташқари қўшни давлатларга экспорт қилишимиз ҳам мумкин. Мабодо, ҳар иккиси плантация қилиб экилса, даромад янада ортиши аниқ.

Эсон МАРДОН,  
Ангор тумани

яни новда ўсиб чиқади. Бир ойдан кейин, яъни 10-15 апрелда саритолнинг новдаларидан 3-4 та, чилонжийдан новдаларидан 2 та энг бақувватларини қолдириб, ягана қилинади. Бунда, энг муҳими, ҳар иккала ниҳолларнинг новдалари ўсимтаси синмаслиги керак. Акс ҳолда, келгуси йил ҳам шу ишни такрорлашга тўғри келади. Кейинги йилларда қиладиган ишининг, аввало, ҳар иккала кўчатда биттадан ниҳол қолдирилади ва ёнбошидан чиқади-ган ўсимталари фақат қиш

Манзиллимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharg» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда. Тахририят ҳисобқамчи: 2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах – (+998-99) 889-90-34  
Наманган – (+998-99) 889-98-02  
Навоий – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент – (+998-99) 889-90-25  
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев  
Мусаҳҳих:  
С. Шодиева  
Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдулжалилов  
ЎЗА яқини – 00-45  
Топширилди – 01-40

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳақми 2 босма табоқ. Буортма Ғ – 1117. 27551 нускада босилди. Нашр кўрсатиши: 133

1 2 3 4 5

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишишга мумкин.